



WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 6, June, 2022

FORMING AN ORGANIZATIONAL CULTURE IN STUDENTS IS ONE OF THE MAIN TASKS OF A DEMOCRATIC SOCIETY

M. B. Djabborov,
Teacher of QarDUPI

Annotation

The experience gained over the years of independent development, all the historical changes and innovations in building a great state with a unique and appropriate path of development, recognized by the world community, have a great impact on the hearts, minds and consciousness of our compatriots.

The effectiveness of reforms in all spheres of our society is inextricably linked with the restoration of national spirituality, in-depth study of our rich historical heritage, preservation of our traditions, development of culture and art, science and education, training of qualified personnel armed with modern science and technology.

Keywords: qualification, competition, profession, development, active, initiative, training, personnel.

ФОРМИРОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНТОВ КАК ОДНА ИЗ ГЛАВНЫХ ЗАДАЧ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА

М.Б.Джабборов

Аннотация

Опыт, накопленный за годы независимого развития, все исторические изменения и новшества в построении великого государства с уникальным и правильным путем развития, признанным мировым сообществом, оказывают огромное влияние на сердца, умы и сознание наших соотечественников..

Эффективность реформ во всех сферах нашего общества неразрывно связана с восстановлением национальной духовности, углубленным изучением нашего богатого исторического наследия, сохранением наших традиций, развитием культуры и искусства, науки и образования, подготовкой квалифицированных кадров, вооруженных с современной наукой и техникой.

Ключевые слова: квалификация, конкурс, профессия, развитие, актив, инициатива, подготовка, кадры.



Website:

<https://wos.academiascience.org>

1354



**ТАЛАБАЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛАНТИРИШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ
ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА**
М.Б.Джабборов

Annotatsiya

Мустақил тараққиёт йилларида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги эътироф этган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўли-келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онги ва шуурига улкан таъсир кўрсатмоқда.

Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чукур ўрганишни, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, замонавий фан техника ютуқлари билан қуролланган малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқдир.

Калит сўзлар: малака, рақобат, касб, тараққиёт, фаол, ташаббус, ўқув, кадр.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси

Турли даражадаги юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маънавий бой, эркин ижодий шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлилар тарбияси, уларнинг дунёқараси, жамият тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўп жиҳатдан Олий ва ўрта маҳсус таълим ўқув юртлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам замонавий иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологияни ривожлантириш асосида малакали мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш ҳозирги вақтда мамлакат тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

“Ta’lim to‘risidagi qonun” ning yangi tahrirda qabul qilinishi va изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши мазкур масалани ижобий ҳал этишда қўл келмоқда. Ta’lim sohasidagi qabul qilinayotgan qonun va qonun osti hujjatlari таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг стратегик асоси бўлиб, турли даражадаги юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга, маънавий бой, эркин, ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантиришга қаратилган.





“Ta’lim to‘risidagi qonun” педагогика фани ва амалиёти олдига бир қатор долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди: Кадрлар тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини англаш, уни маориф, фан, техника, технология, иқтисод, маданият соҳаларидағи республика ҳамда хорижда эришилган ютуқлар асосида қайта қўриб чиқиши, таълим тизимини ислоҳ қилиш уни муттасил ривожланиб боришини таъминлаш, давлат таълим стандартларини яратиш ва амалга киритишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва бошқалар киради.

Мулоҳаза ва таклифлар

Юртимиз келажаги халқимиз, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковатига, миллий таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштиришга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, Кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиш учун, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур ва муҳимлигини ҳаёт тақозо этаяпти.

Birinchi Президентимиз ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида комил исонга қуйидагича таъриф берган. «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак мустакил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли маърифатли кишиларни тушунамиз»

Erkin фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар кандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини ҳалқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатdir Таълимий қадриятлар юзасидан тадқиқотлар олиб борган олим Ш. Мардонов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қуйидаги ижтимоий ва шахсий хусусиятга эга таълимий қадриятларнинг моҳияти очиб берилганлигини таъкидлаб ўтади:

«Биринчидан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимнинг олий қадрияти сифатида шахс эътироф этилади. Мазкур қадрият Миллий дастурнинг узлуксиз таълим, унинг инсонпарварлик ва ижтимоийлашишга йўналиши кўрсатмаларини мувафаққиятли амалга оширишни таъминлаши керак.





Иккинчидан, педагогик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этилган таълимтарбия жараёни талабада мустақил таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатларини шакллантиради. Бу жараён бизнинг фикримизча, янги таълимий қадриятларнинг юзага келишига сабаб бўлади.....»

Х асрдан бошлаб Мовароуннахр ва Хурсонда мустақил давлатлар - Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатларининг пайдо бўлишида халифаликнинг емирилиши ҳам маданий ҳаётнинг орқага кетишига эмас, балки янада равнақ топишига олиб келди.

Салжуқийлар даврида Али-Арслон Маҳмуд ҳокимиятни бошқарганда унинг вазири Низом ул-Мулк ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби ва энг маърифатпарвар кишиларидан бўлган.

Салжуқийлар ҳокимияти ҳарбийлашган бўлиб, бу ҳокимиятнинг ички ва ташқи сиёсатини Низомулмулк бошқарар еди. У ғазнавийлар иш услубига бир оз ўзгартиришлар киритиб, ҳокимиятни бошқариш услубини ишлаб чиқади ва ўзининг «Сиёсатнома» асарини яратади (1091 – 1092-й.). Бу асарда давлатни бошқариш тамойиллари баён этилади. «Сиёсатнома» асарида кўплаб тарбиявий қадриятлар илгар сурилган. Низомулмулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва муруватга, давлатни оқилония бошқариб, қатий-қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорликни вижданан, пок ҳалол бажаришга ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади. Низомулмулк кишиларни ишга тайинлаётганда нималарга эътибор қаратиш лозимлигига эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр юритиб, амалдорларни тўғри танлаб, уларга қулларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириб, уларнинг ижросини ўз вақтида талаб қилиш лозимлигини қайд этади.

Кўриниб турибдики, Низомулмулк ўз даврида давлатни бошқаришда лавозимга эга бўлган бош вазирлар, бошқа кичикроқ лавозимга эга бўлган кишиларни ўз ишларига жиддий муносабатда бўлишини, уларни ҳалол ва покиза ишларни бажаришга даъват этган. Унинг бу ғоялари ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. «Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган «Сиёсатнома» деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қози-ю, куззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси «қўйу-қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қулларни кесиб, ер юзини ёмонлардан



тозалаш, жаҳонни адолат ва оссойишталиқ» билан обод қилишдан иборат», - деб кўрсатилган.

Шунингдек, ижтимоий-фалсафий қарашларида ҳам таълим-тарбия, психология асослари, ахлоқ ва эстетика масафаларига эътибор беради.

Абу Наср Форобийнинг таълим-тарбияга оид таълимотининг методологик асосини унинг инсон тўғрисидаги фалсафий қарашлари ташкил этади. Аллома одамнинг физиологик тузилиши, психологияси, моддий ва маънавий оламини ўрганар экан, у инсондаги қобилият ва кучнинг, руҳий қувватнинг – ақлий ва сўзлаш қобилиятынинг бошқа табиат мавжудотларида йўқлиги ва ана шу руҳий қувват жараёни, яъни нарса ва ҳодисаларни билиш, инсонга ақлий таъсир этиш, уни илм-маърифатга эга этиш кабиларни тадқиқ этишга алоҳида диққат билан қарайди.

Абу Наср Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиласидиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Аллома таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган олим саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиши, тушунтириши асосида назарий билим бериши; тарбия – назарий фазилатни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ меъёрларини ва амалий малакаларни ўрганишдир, дейди олим.

Абу Наср Форобий «Таълим деган сўзлар халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириши, тарбия еса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириши деган сўздир.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек мадраса ўқув режасига қуйидаги фанлар: араб тили, адабиёт, қуръон, Ҳадис, риторика, мантиқ, фалсафа, фикҳ (қонунчилик), метафизика, математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих каби фанларни киритади.

Мутафаккир томонидан барпо этилган ҳамда ўзи бевосита таълим берган мадрасаларда ўқиши қуйидаги босқичлардан иборат бўлган:

1. “Анда” (кичик) – ўқиши муддати 2 йил.
2. “Ауст” (ўрта) – ўқиши муддати 3 йил.
3. “Аъло” (олиј) – ўқиши муддати 3 йил.

Бундай ёндашувда, бугунги кун нуқати назаридан айтганда бакалавриат ва магистратура кўзга ташланади. Айни вақтда улар ўрта аср европа университетлари учун ҳам хос бўлган.



Буюк истеъдод эгаси сифатида аллома ўз давридан бир неча асрларга ўзиб кетган. Деярли 600 йил аввал Муҳаммад Тарағай Улуғбек қўйидаги аксиомани илгари сурган: билим олишга интилиш давлат равнақига йўл демакдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги тажрибаси мазкур фикрни тўла тасдиқлайди.

Шарқдаги Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари – Муаҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбекларлар ўзларининг таълимий-тарбиявий қарашларида биринчи ўринга инсон шахсини қўядилар ҳамда болаларни ҳар томонлама, жисмоний ва эстетик камолотга эришишлари, шунингдек, тилларни билишларини зарур деб хисоблайдилар. Ақлий таълимни ташкил этувчи фанлар сирасига математика, астрономия, механика ва табиатшунослик каби табиий-илмий фанларни киритадилар.

Юқоридагиларни уммулаштириб айтиш мумкинки, юртимиз келажаги халқимиз, миллатимизнинг интеллектуал салоҳиятига, ақл-заковатига, миллий таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштиришга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, Кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиш учун, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур ва муҳимлигини ҳаёт тақозо этаяпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'RQ-637-son 23.09.2020. Ta'lim to'g'risida.
2. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Т.: Фан, 2001. – 112 б.
3. Низомулмулк. Сиёсанома ёки сияр ул-мулк. – Т.: Адолат, 1997. – 235 б.
4. Тоҳтаходжаева М. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Молия-Иқтисод, 2008. – 278 б.